

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Спорт вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик
кенгаши раиси



Ш.Р. Ташматов

“ ” октябрь 2024 йил

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг
2 – сон БАЁНИ

2024 йил “22” октябрь

Тошкент шаҳри

Ранслик қилувчи:

Ш.Р. Ташматов – Ўзбекистон Миллий Олимпия
қўмитаси раиси ўринбосари, *Жамоатчилик кенгаши*
раиси

Қатнашдилар:

Вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари,
спорт турлари бўйича федерация
ва ассоциациялар вакиллари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

**Спорт федерациялари (уюшмалари) реестри ҳамда спорт турларини
ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрлари рўйхатига киритиш бўйича
мурожаатларни кўриб чиқиш тўғрисида**

(*Ташматов, Махситов, Таджиев, Эргашев, Рафиев, Керимов, Агзамов, ..., Ташматов*)

Қайд этилдики, Спорт вазирлигининг 2024 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси
Спорт вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги
01/1366-А/Ғ-сон буйруғига мувофиқ, Жамоатчилик кенгашининг янги таркиби тасдиқланди.

Жамоатчилик кенгаши ўз иштини жамоатчилик асосида олиб борадиган доимий фаолият
юритувчи маслаҳат-кенгаш ҳисобланиши, унинг асосий мақсади вазирлик
ва жамият ўртасида таъсирчан ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш, вазирлик фаолиятининг
шаффофлигини мониторинг қилиш ҳамда вазирлик фаолияти устидан жамоатчилик назоратини
амалга оширишдан иборатлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда, 2024 йил 4 октябрь куни Спорт вазирлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши
ўтказилиб, унда спорт соҳасида жорий йилнинг ўтган 9 ойида амалга оширилган ишларнинг
танқидий муҳокамаси ҳамда йил якунига қадар муҳим вазифалар кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, бўлиб ўтган хайъат йиғилишида спорт федерациялари (уюшмалари)
реестри ҳамда спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрига
киритиш бўйича келиб тушган 13 та мурожаатларни тегишли спорт турлари бўйича федерация ва
ассоциациялар вакиллари иштирокида Спорт вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашида
кўриб чиқиб, ҳулоса бериш топширилган.

Бугунги кунда, Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрига 98 та федерация
ва ассоциациялар, Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрига 156
та спорт турлари киритилганлиги маълум қилинди.

Шундан сўнг, йиғилишда спорт турлари бўйича федерация ва ассоциациялар вакиллари томонидан Жамоатчилик кенгаши аъзоларига паркур, пара армрестлинг, муайтай, миллий камондан отиш, бодибилдинг ва фитнес, мас-рестлинг, фиджитал спорт, америка футболли ва флаг футболли, човкен, турон яккакурашлари, бел олиш, баходирлар ўйини ва тош кўтариш спорт турлари бўйича тақдимот ҳимоялари ўтказилди.

Хусусан, фиджитал спорт ўйинлари ҳозирда ёшлар ўртасида оммалашиб бораётганлиги, ушбу спорт тури босқичма-босқич ривожлантирилаётганлиги, ҳудудларда Фиджитал спорт федерацияси томонидан мусобақалар ташкил этиб келинаётганлиги, қолаверса 2026 йилда илк бор Ўзбекистонда “Келажак ўйинлари” ўтказилиши режалаштирилаётганлигини қайд этилди.

Бугунги кунда, ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш ҳамда улар ўртасида спорт турларини ривожлантириш мақсадида, пара армрестлинг спорт турини Ўзбекистон Паралимпия кўмитаси ҳузурида спорт клуби сифатида фаоллият юритиши тавсия этилди.

Ўзбекистон бодибилдинг, фитнес ва мас-рестлинг федерацияси 2 та алоҳида Ўзбекистон Бодибилдинг ва фитнес ҳамда Ўзбекистон Мас-рестлинг (таёқ тортиш) федерациялари сифатида қайта ташкил этилиб, Адлия вазирлигидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги маълум қилинди.

Шунингдек, паркур спортида шуғулланувчиларнинг жароҳат олиш даражаси юқорилиги, ушбу спорт турининг фойдали жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги ҳамда етарли спорт базалари мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳудудларда миллий камондан отиш спортини ривожлантириш, уларга етарли спорт базалари ҳамда спорт жиҳозлари билан таъминлаш, мазкур спорт туридан жойларда мусобақалар ташкил этиш, фойдаланилаётган анжомлар жанговарлигини ва уларни сақлаш ҳамда фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Америка ва флаг футболли спорт турини ҳудудларда оммалаштириш, тарғиб этиш ва мазкур спорт тури билан аҳоли шуғулланиши юзасидан ташвиқот қилиш орқали ривожлантириш, етарли спорт база ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қайта ташкил этилиб, Адлия вазирлигидан қайта рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Муайтай ассоциациясига Ўзбекистон Муайтай WMO федерацияси ва Ўзбекистон Муай-Тай федерацияси (ВМФ) билан яқин ҳамкорликда ишлаб, уларни Ассоциация таркибига киритиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди.

Ўзбекистон амалий ўқ отиш федерациясини спорт федерациялари (уюшма) реестрига киритиш масаласи ўқ отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш юзасидан тегишли қарорни лойиҳаси қабул қилингандан сўнг, қарорда белгиланган тартиб ва йўналишларидан келиб чиқиб, мазкур спорт турини реестрга киритишни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Човкен спорт тури тарихда миллий спорт тури бўлганлигини, Халқаро ва Осиё спорт федерациялари билан келишган ҳолда ва тарихий манбааларга асосланиб, ушбу спорт тури номи ва федерация номланишини Човгон спорт тури сифатида қайта номлаш тавсия этилди.

Шу билан бирга, турон яккакураши ҳамда баходирлар ўйинлари ва тош кўтариш спорт турларининг шароит ва имкониятлари мавжудлиги, лекин натижалар шароитларга мос эмаслиги, шунингдек Халқаро ва Осиё федерациялари етарлича ривожланмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Бел олиш спорт турини Ўзбекистон кураш федерацияси таркибига киритиш ҳамда ушбу кураш спорт турлари тармоғида ривожлантириш масаласини кўриб чиқиш тавсия қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган таклиф ва такдимотлар ҳамда Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг муҳокамаларидан келиб чиқиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Спорт турлари бўйича федерация ва ассоциациялар вакиллариининг **Спорт федерациялари (уюшмалари) реестри** ҳамда **спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрига** киритиш юзасидан берган ҳисоботлари маълумот учун қабул килинсин.

2. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Фиджитал спорт федерациясини **Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрига** киритиш;

б) фиджитал ва пара армрестлинг спорт турларини **Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрига** киритиш;

в) бел олиш спорт турини Ўзбекистон кураш федерацияси таркибига киритиш орқали ушбу спорт турини **кураш спорт турлари тармоғида** ривожлантириш;

г) Ўзбекистон Муайтай ассоциацияси таркибига Ўзбекистон Муайтай WMO ҳамда Ўзбекистон Муай-Тай (ВМФ) федерацияларини бирлаштириш;

д) Халқаро ва Осиё Човкен федерациялари билан келишган ҳолда, **Ўзбекистон Чавгон федерацияси** ва **чавгон спорт тури** этиб қайта номлаш;

е) худудларда америка ва флаг футболли, бодибилдинг ва фитнес ҳамда мас-рестлинг **спорт турлари оммалашмаганлиги**, бу борада етарли тарғибот ишлари олиб борилмаганлиги, ушбу спорт тури бўйича **спорт базалари тўлиқ мавжуд эмаслиги** учун Ўзбекистон Америка футболли ва флаг футболли федерацияси, Ўзбекистон Бодибилдинг ва фитнес федерацияси ҳамда Ўзбекистон Мас-рестлинг (таёқ тортиш) федерациясини **Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрига** киритиш масаласини келгусида қайта кўриб чиқиш;

ё) паркур, америка футболли ва флаг футболли, миллий камондан отиш, амалий ўқ отиш, турон яккакурашлари, баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш бодибилдинг ва фитнес, мас-рестлинг (таёқ тортиш) спорт турлари билан шуғулланувчилар қамрови нисбатан пастлиги, бу борада етарли **спорт базалари** ва **спорт жиҳозлари** билан таъминланмаганлиги учун **Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрига** киритиш масаласини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин.



3. Белгилансинки, мазкур баёндан келиб чиқиб, Спорт федерациялари (уюшмалари) реестри ҳамда Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрига киритиш масалалари Спорт вазирлигининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилишида кўриб чиқиладди.

Йиғилиш котиби



Н. Саломов

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:

ФИШ	ЛАВОЗИМИ	ИМЗО
Баходир МАХСИТОВ	Ўзбекистон Спорт фахрийлари Кенгаши раиси	
Баходир ТОЖИЕВ	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси бошкарма бошлиғи	
Отабек ЭРГАШЕВ	Ўзбекистон Миллий Паралимпия кўмитаси раиси ўринбосари	
Ҳамрокул РАФИЕВ	Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарканд филиали профессори	
Анвар ЭШТАЕВ	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети профессори	
Фикрат КЕРИМОВ	Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти профессори	
Билол АГЗАМОВ	Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби директори	
Дмитрий АДИСМАН	Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси раиси	
Миржалол САЙДУЛЛАЕВ	Миллий Олимпия кўмитаси Олимпия спорт турлари фаолиятини координация қилиш департаменти директори в.в.б	
Дилмурад ИЗЗАТОВ	Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бўлима бошлиғи	
Галина ИЗРАИЛОВА	Ўзбекистон Гимнастика федерацияси ижрочи директори	
Муроджон КАРАБАЕВ	Ўзбекистон футбол ассоциацияси Ижро назорати ва ахборот таҳлил бўлими бошлиғи	
Бахтиёр МИРЗАКУЛОВ	Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қўл жанги федерацияси раиси ўринбосари	
Аброр МАМАДАЛИЕВ	Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази директори	